| Мавзу | **Кесиш режимларининг элементлари. Кесувчи асбобнинг элементлари.** |
|---|---|

## 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| *Машғулот вақти* - 2 соат | Талабалар сони: 30 – 60 гача |
|---|---|
| *Машғулот шакли* | Маъруза |
| ***Маъруза режаси*** | 1. Кесиш режимларининг элементлари ҳақида умумий маълумотлар.<br>2. Йўнишдаги кесиш режимларининг элементлари.<br>3. Кесувчи асбобнинг элементлари. |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларга кесиш режилари ва кесувчи асбобнинг элементлари хақида тушинча бериш**.** | |
| **Педагогик вазифалар**:<br>• Кесиш режимларининг элементлари ҳақида умумий маълумотлар бериш.<br>• Йўнишдаги кесиш режимларининг элементлари тўғрисида тушунча бериш.<br>• Кесувчи асбобнинг элементларини тушунтириб бериш. | **Ўқув фаолияти натижалари**:<br>• Кесиш режимларининг элементлари ҳақида умумий маълумотлар оладилар.<br>• Йўнишдаги кесиш режимларининг элементлари тўғрисида тушунчаларга эга бўладилар.<br>• Кесувчи асбобнинг элементлари ҳақида маълумот оладилар. |
| ***Таълим бериш усуллари*** | Маъруза, кўргазмали, “Қандай” техникаси |
| ***Таълим бериш шакллари*** | Оммавий, жамоавий |
| ***Таълим бериш воситалари*** | Ўқув қўлланма, проектор |
| ***Таълим бериш шароити*** | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория |
| ***Мониторинг ва баҳолаш*** | Оғзаки назорат: савол-жавоб |

## 1.2. «Кесиш режимларининг элементлари. Кесувчи асбобнинг элементлари» маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| Тайёргар-лик босқичи. | 1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш.<br>2. Маъруза учун тақдимот слайдаларини тайёраш.<br>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. | |
| 1. Мавзуга кириш<br>*(10 дақиқа)* | 1.1. Экранга мавзуни номини ва режаси кўринишини чиқаради ва уларга қисқача таъриф беради. (1- илова)<br>1.2. Мавзуга оид адабиётлар рўйхати билан таништиради ва маъруза бўйича баҳолаш мезонлари тушунтирилади. (2-илова) | **Тинглайдилар, ёзадилар.**<br>**Тинглайдилар, ёзадилар.** |
| 2-босқич | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш орқали кесиш режимларининг элементлари тўғрисида умумий маълумотларни тушунтириб беради (3-илова) | **Тинглайдилар, ёзадилар.** |

| | | |
|---|---|---|
| Асосий босқич (60 дақиқа) | 2.2. Йўнишдаги кесиш режимларининг элементларини кўрсатиб берувчи слайдлар намойиши орқали маълумотлар беради. (4-илова) | **Тинглайдилар, ёзадилар.** |
| | 2.3. Кесувчи асбобнинг элементларини тушунтириб беради. (5-илова) | **Тинглайдилар, ёзадилар.** |
| | 2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Қандай” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (6-илова) | **Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.** |
| 3.Якуний босқич **(**10 дақиқа**)** | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади.<br>3.2. Мустақил таълим учун “Кесувчи асбобнинг геометрияси” мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материалини ўрганиб келиш вазифасини беради. | **Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.** |